

Масжидга кириш одоби ва туфламаслик



10:05 / 08.11.2019 1963

«Ибн Умар розияллоху анху масжидга ўнг оёғи билан кириб, чап оёғи билан чиқар эди».

??????? ?????? ??????? ?????????? ??????????????

????????????? ?????????????? ?????????????? ??????????????

?????????????. ?????????? ??????????????????.

Бухорий ривоят қилган.

Масжидда туфламаслик

Анас розияллоху анхундан ривоят қилинади:

???? ?????? ?????? ?????? ?????????? ????? ??????????????

??? ?????? ?????? ?????? ??????: «????????????? ???

????????????? ?????????????? ??????????????????????

?????????????» . ?????????? ?????????????????????.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Масжидда тупурмоқ гуноҳдир, унинг каффороти ювиш, кўмиш биландир», - дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

«Жума ҳақидаги оят ва ҳадис» китобидан